



Мусулмон қабрида сўралса: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси», деб гувоҳлик беради

Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Мусулмон қабрида сўралса: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси», деб гувоҳлик беради. Аллоҳ таоло бу ҳақида айтадики: «Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» [Иброҳим: 27].

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Мўмин киши қабрда сўроқ қилинади. Уни бу ишга вакил қилинган икки фаришта — Мункар ва Накир сўроққа тутати. Бир қанча ҳадисларда уларнинг номлари мана шундай келган. Шунда мўмин: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир», деб гувоҳлик беради. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу Аллоҳ таоло Қуръонда айтган собит сўздир», деб қуйидаги оятни ўқидилар: «Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» [Иброҳим: 27].

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4206>

